



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI NOMIDAN ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Давлатобод тумани 2022 йил 29 июнь 4-1601-2202/2663-сонли иш

Наманган туманлараро иқтисодий суди судьяси Ж.С.Мусабоев раислигида, судья ёрдамчиси А.Л.Низамовнинг суд мажлиси котиблигида, аризачи ААнинг жавобгар ББнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги аризаси бўйича қўзғатилган ишни, аризачи вакили Қ.Бакиров (ишончномага асосан)нинг иштирокида, Наманган вилояти Давлатобод тумани Давлат солиқ инспекциясининг биносида очик сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### аниқлади:

Наманган вилояти Давлатобод тумани Давлат солиқ инспекциясининг (бундан буён матнда - аризачи) томонидан солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган ББ (бундан буён матнда - жавобгар)нинг фаолият кўрсатаётганлиги ва мавжудлиги ўрганилган. Ўрганиш давомида жавобгар рўйхатдан ўтган манзилида фаолият кўрсатмаётганлиги ва мавжуд эмаслиги аниқланган.

Аризачи томонидан жавобгарнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича банк операциялари чиқим қисмини ўн кундан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш тўғрисида қабул қилиниб, жавобгарга хабарнома юборилган.

Жавобгар томонидан хабарномага муносабат билдирилмагач, аризачи судга ариза киритиб, жавобгарнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйишни сўраган.

Суд мажлисида аризачи вакили ўз талабини қўвватлаб, жавобгар ўзи кўрсатган манзилда эмаслигини, бу тегишли МФЙда тузилган далолатнома билан ўз тасдиғини топишини билдириб, жавобгарнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйишни сўради.

Жавобгар белгиланган тартибда суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинган бўлсада, суд мажлисига келмади ёки вакил иштирокини таъминламади ҳамда ариза талаби юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирмади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади)нинг 128, 170-моддаларида бундай ҳолда иш жавобгарнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкинлиги, ИПК 220-моддасининг биринчи қисмида эса, суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги, агар суд уларнинг келишини мажбурий деб топмаган бўлса, ишни кўриб чиқиш учун



тўсқинлик қилмаслиги белгиланган. Шунга асосан, суд мазкур ишни жавобгарнинг иштирокисиз кўриб чиқиш мумкин, деб ҳисоблайди.

Суд ишдаги тўпланган далилларни текшириб, аризачи вакилининг тушунтиришларини тинглаб, уларга баҳо бериб, қуйидаги асосларга кўра аризани қаноатлантириш ҳақидаги хулосага келди:

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 111-моддасининг биринчи қисмига кўра, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Ушбу модда учинчи қисмининг 4-бандига кўра, юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) ўзи кўрсатган манзилда йўқлигида қўлланилиши мумкин.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, аризачи томонидан жавобгарнинг фаолият кўрсатаётганлиги ва мавжудлиги ўрганилган.

Ўрганиш давомида жавобгар рўйхатдан ўтган манзилида фаолият кўрсатмаётганлиги ва мавжуд эмаслиги аниқланган. Бу ишда мавжуд ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топади.

Аризачи томонидан жавобгарнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича банк операциялари чиқим қисмини ўн кундан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилиниб, жавобгарга хабарнома юборилган.

Жавобгар томонидан хабарномага муносабат билдирилмагач, аризачи судга ариза киритиб, жавобгарнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйишни сўраган.

Юқоридагиларга асосан суд аризани қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 118-моддасининг биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади, бешинчи қисмига кўра, даъвогарнинг талаблари у судга мурожаат қилганидан сўнг жавобгар томонидан ихтиёрий равишда қаноатлантирилса, суд харажатлари жавобгарнинг зиммасига юклатилади.

“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 19-бандига кўра, аризачи ва жавобгар — ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича иқтисодий судларда давлат ки тўлашдан озод қилинган.



Юқоридагиларга асосан суд иш бўйича давлат божи ундирмасликни, жавобгардан аризачи фойдасига тўланган 24000 сўм суд-почта харажатини ундиришни лозим топади.

Баён этилганларга кўра ҳамда ИПКнинг 118, 128, 170, 176-179, 186, 220, 222-моддаларини қўллаб, суд

### **ҚАРОР ҚИЛДИ:**

Наманган вилояти Давлатобод тумани Давлат солиқ инспекциясининг аризаси қаноатлантирилсин.

ББнинг банкдаги барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари тўхтатиб турилсин.

СҚнинг 112-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига кўра солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) у маълум қилган манзилида йўқлигининг асослилиги солиқ органи томонидан эътироф этилган кундан кейин бир кундан кечиктирмасдан жавобгарга банкдаги барча ҳисобварақлари бўйича операцияларига рухсат берилсин.

ББ ҳисобидан Наманган вилояти Давлатобод тумани Давлат солиқ инспекцияси фойдасига тўланган 24000 сўм почта харажати ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақаси берилсин.

*Мазкур ҳал қилув қарори устидан ўн кунлик муддатда апелляция тартибида Наманган вилоят судига шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.*

**Раислик қилувчи**

**Ж.С.Мусабоев**

